

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2026 йил январь ойининг 12 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи, судья С.Содиқов, судья ёрдамчиси А.Бурановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент авиация транспорт прокурори Ш.Мамаджанов, судланувчи ХХХ ва унинг адвокати И.Рискуловларнинг иштирокида, ХХХга нисбатан 1-1002-2501/931-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХ (ХХХ) 1980 йил 25 ноябрь куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Фурқат МФЙ, Ипак йўли кўчаси, 48-уй, 78-хонадонда яшовчи, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, гувоҳ кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

ХХХ 2025 йил 28 сентябрь куни “Тошкент-Истанбул” йўналишидаги авиарейс билан Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига бориб, 2025 йилнинг 7 октябрь куни Истанбул шаҳрининг Умрания номли даҳада айланиб юрганида, йўл четида дўкон ташқарисида турли хил гуллар ва декоратив ўсимликлар қаторида пакетчага солинган ичида кўкнор бошоқлари новдалари билан бўлган гиёҳвандлик воситалари сотилаётганини кўриб, улардан пакетчага солинган ичида 7 дона кўкнор бошоқлари новдалари билан бўлган гиёҳвандлик воситаларини кейинчалик истеъмол қилиш мақсадида сотиб олиб, қонунга хилоф равишда ёнида сақлаб келган.

Шундан сўнг, ХХХ 2025 йил 8 октябрь куни “Истанбул-Тошкент” йўналишидаги Сб-306-сонли авиарейс билан Тошкент халқаро аэропортига учиб келиб, ҳаво кемасидан тушиб, чегара ва божхона назоратидан ўтиш жойига келмасдан аввал ўзининг ёнида кейинчалик истеъмол қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда сақлаб келган қуруқ ҳолдаги, новдалари билан бўлган жами 7 дона кўкнори бошоқларини Тошкент халқаро аэропортининг учиб келиш зали ташқи томони кириш



эшиги олдидаги чиқинди қутисига ташлаб юборган ва мазкур жами 7 дона кўкнори бошоқларига ўхшаш бошоқлар ашёвий далил тариқасида муҳрланиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМ Физик-кимёвий ва техник экспертизалар бўлими томонидан берилган судга оид кимёвий экспертизасининг 10.10.2025 йилдаги 1558-сонли хулосасига кўра, ХХХ томонидан чиқинди қутисига ташлаб юборилган, новдалари билан бирга узунлиги 10-12 см.дан 30 см.гача бўлган, қўл билан ушлаб кўрилганида қуруқ ҳолдаги умумий қисми сариқ рангли бўлган, 30 дан 37 мм.гача диаметрли думалоқ шаклли жами 7 дона ўсимлик бошоқчилари ва новдаларининг таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган алкалоидлар – меконин, морфин, кодеин, тебаин ва папаверин моддалари мавжуд бўлиб, ушбу ўсимлик қисмлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорининг 1-рўйхатида 75-тартиб рақам билан кўрсатиб ўтилган (Маковая солома высушенная) Республика ҳудудида муомаласи тақиқланган гиёҳванд воситалар турига кириши ва ушбу модда кўкнор сомони деб аталиши ҳамда унинг соф вазни 57,17 граммни ташкил қилиши кўрсатилган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қуйидагиларни, яъни “Crassover” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлаб келишини, 2025 йил 28 сентябрь куни дам олиб келиш мақсадида “Тошкент-Истанбул” йўналишидаги авиарейс билан Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига бориб, у ерда шаҳар айланиб, ҳаво алмаштириб, дам олиш масканларида бўлиб, 2025 йил 7 октябрь куни Истанбул шаҳрининг Умрания номли даҳада айланиб юрган вақтида, йўл четида дўкон ташқарисида турли хил гуллар ва декоратив ўсимликлар сотилаётганини кўриб, у ерда пакетчага солинган ичида кўкнор бошоқлари новдалари билан солинганини ҳам кўриб, пневмония пайтида касал бўлиб, ҳозиргача ушбу касалликнинг асорати ўзида қолгани, доимий равишда бурнида аденома, томоқ оғриғи, йўтал ва ларингит касаллиги уни безовта қилиб келаётгани учун улардан бирини ўзининг истеъмоли учун олишга қарор қилганини, кичик ўғил фарзанди ҳам ларингит касаллиги билан касалланган бўлиб, у ҳам 5 йилдан бери шу касаллик билан қийналишини, агар у тузалиб кетса ундан ўғлига ҳам бериб кўришни ўйлаб кўрмоқчи бўлганини, сўнг сотувчидан бир дона пакетчага солинган жами 7 дона новдалари билан бўлган кўкнорни ўзбек сўмига 60.000 сўмга сотиб олганини, сўнг уни ўзининг истеъмоли учун ёнида сақлаб юрганини, 2025 йил 8 октябрь куни “Истанбул-Тошкент” йўналишидаги С6-306-сонли авиарейс билан Тошкент халқаро аэропортига учиб келиб, самолётдан тушганидан сўнг, сотиб олган кўкнор бошоқлари ёнида бўлгани,



самолётдан тушиши билан автобусга чиққанини, автобус аэропортнинг учиб келиш зали кириш эшиги олдида тўхтаганини, сўнг у бу нарса тақиқланганини билиб, бу ҳақида ўйлаб, аэропорт кириш эшиги олдида ушбу кўкнор бошоқлари солинган пакетни аэропортнинг учиб келиш зали ташқи томони кириш эшиги томонидаги чиқинди қутисига ташлаб юборганини, сўнг аэропортнинг учиб келиш залига кириб, чегара назоратидан ўтиб, сўнг божхона кўригидан ўтиб, яшаш хонадонига келганини, сўнг у уйда бўлган вақтида уни яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништириб, унга юқоридаги ҳолатни айтиб, ундан чиқинди қутисига нима ташлаб юборганини сўрашганини, у ИИБ ходимларига чиқинди қутисига 7 та новдалари билан бўлган ҳолатдаги кўкнор бошоқлари солинган пакетни ташлаб юборганини айтганини, у чиқинди қутисига ташлаб юборган моддалар Республика ҳудудида муомаласи тақиқланган гиёҳванд воситалар турига кириши ва ушбу модда кўкнор сомони деб аталиши ҳамда унинг соф вазни 57,17 граммни ташкил қилишини, аввал гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилмаганини, чиқинди қутисига ташлаб юборган кўкнор сомонини бирор бир шахсга сотиш, ўтказиш ёки ҳадя қилиш мақсади бўлмаганини, фақат ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганини, ҳозирги кунда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа бу каби ноқонуний ҳаракатлар содир қилмаслигини, уни оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи ХХХнинг айби суд мажлисига ҳозир бўлмаган гувоҳ ХХХ ва ХХХларнинг тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчи томонидан тасдиқланганлиги, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги воқеа жойини кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш ҳақида баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, Тошкент ИИББ ЭКБнинг 2025 йил 10 октябрдаги 1558-сонли кимёвий экспертиза хулосаси, Тошкент шаҳар наркология марказининг 2025 йил 14 ноябрдаги 3063-сонли далолатномаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш, эгаллаш, ташишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши белгиланган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида инсонпарварлик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида одиллик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 3-бандида “жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга - судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар киради” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи ХХХга жазо тури ва муддати тайинлашда унинг шахсини, муқаддам судланмаганини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноят ғараз мақсадда содир этилганини ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жазони бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг 37-бандидаги амалий тушунтиришларига риоя қилиб, гиёҳвандлик воситаси тури ва миқдорини ҳамда юқоридаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд Тошкент шаҳар наркология марказининг 2025 йил 7 октябрдаги 3063-сонли далолатномасига мувофиқ ХХХ



гиёҳвандликка чалинмаганлиги ва даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни лозим топади.

Шу билан бирга суд, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган, тадқиқотдан қолган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган 56,0 грамм “кўкнор сомони” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ҳамда ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларини қўллаб, суд ҳайъати

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

XXX (XXX) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу модда билан унга ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошланган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри ИИО ФМБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг XXXга нисбатан танланган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, 2025 йил 13 ноябрдаги қвитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ва ТОХТДга топширилган 10.000.000 (ўн миллион) сўм маблағлар гаров қўювчи XXXга қайтарилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган, тадқиқотдан қолган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган 56,0 грамм “кўкнор сомони” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация шикояти ва протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

С.Содиқов

аслига тўғри:

